

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ОСТОНОКУЛОВ АЗАМАТ АБДУКАРИМОВИЧ

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ
МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Остонокулов Азамат Абдукаримович

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш..... 3

Остонокулов Азамат Абдукаримович

Совершенствование методологии учета и отчетности внебюджетных средств бюджетных организаций..... 35

Ostonokulov Azamat Abdugarimovich

Improvement of methodology of accounting and reporting of extra out of budget funds of budget organizations 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 70

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ОСТОНОКУЛОВ АЗАМАТ АБДУКАРИМОВИЧ

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ
МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Iqt238 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва "ZiyoNet" таълим ахборот тармоғида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Меҳмонов Султонали Умаралиевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Аҳмеджанов Каримжон Бакиджанович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Дусмуратов Ражаббой Давлетбоевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Абдугафур Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли илмий кенгашининг 2021 йил 30 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темури шох кўчаси, 60А-уй, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (235 рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темури шох кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2021 йил 27 11 куни тарқатилди.
(2021 йил 27 11 даги 50 - рақамли реестр баённомаси.)



Т.З. Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К. Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н. Қўзиёв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Давлат бюджети бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда давлат харажатларини молиялаштириш мақсадида тузилади. Халқаро валюта жамғармасининг 2020 йил апрель ойидаги ҳисоботида кўра, «Пандемия ва инқироз шароитида ривожланган мамлакатларда бюджет харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизини ташкил қилиб, давлат секторидаги ташкилотлар бандликни таъминлаш нуқтаи назаридан энг катта иш берувчи ҳисобланиши таъкидланган»¹. Дунё амалиётида давлат секторидаги ташкилотларни молиялаштириш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши бевосита уларнинг ҳисобини самарали ташкил этиш ҳамда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларининг шаффофлиги билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида бюджет ижроси ҳисоби ва ҳисоботини давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари асосида ривожлантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олиб борилган изланиш натижаларига кўра, дунё мамлакатлари давлат секторида бюджет ижроси ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш услубиётини халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда бюджет тизими ва уни бошқариш, бюджет ижроси ҳисобини ташкил этишнинг усуллари ва йўналишлари, давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ахборотларнинг очиклигини таъминлаш ва ҳисобдорликни ошириш, бюджет ҳисоботининг ахборот таъминотини такомиллаштириш каби масалалар ўз ечимини топган. Шунингдек, давлат секторидаги ташкилотларда маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлашда ҳисоб ахборот тизимининг ролини кучайтириш, маълумотларнинг ошкоралигини таъминлаш, жамланма ахборотларни шакллантириш масалалари алоҳида йўналиш сифатида тадқиқ этилган. Шу ўринда алоҳида қайд этиш зарурки, олиб борилган тадқиқотларда бюджет ижроси ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш масалалари бухгалтерия ҳисобининг касса ва ҳисоблаш методларига асосланиши, уларнинг бюджет ижроси ахборотларини шакллантиришдаги ролини ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган. Аммо бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби методологиясини давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари даражасида ташкил этиш ҳамда бюджет ҳисоботларининг ахборот имкониятларини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳануз ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Республикада бюджет тизимини ислоҳ этишда «бюджет ҳисоби тартибини Давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига

¹ International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April. <https://www.imf.org/en/Publications/FM/Issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>

(IPSAS) уйғунлаштириш»², халқаро стандартлар талабаларидан келиб чиқиб бюджет ижросига оид ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш, бюджет тизимида маблағларнинг сарфланиши бўйича ҳисобдорликни кучайтириш, бюджет ижроси жараёнида замонавий ахборот тизимларини қўллаш кўламини кенгайтиришни талаб этмоқда. Шу билан бирга, бюджет тизими бюджетлари ижроси ҳисобини тизимли тарзда касса усулидан ҳисоблаш усулига ўтказиш орқали бюджет ҳисоботлари ахборотларининг таҳлилий имкониятларини оширишни тақозо қилмоқда. Ўз навбатида, ушбу жиҳатлар бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисоботида оид мавжуд методологик асосларни чуқур тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3231-сон ҳамда 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, International Public Sector Accounting Standards Board (IPSASB), International Monetary Fund (IMF), International Federation of Accountants (IFAC), International Auditing and Assurance Standards Board (IAASB), International Accounting Standards Board (IASB), American Institute of Certified Public Accountants (AICPA), Pricewaterhouse Coopers (PwC), University of London (Буюк Британия), Полоцк давлат университети (Беларусь), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат бошқаруви академияси, Санкт-Петербург давлат

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон Қарори.

³ <https://www.ipsasb.org>; <https://www.imf.org>; <https://www.ifac.org>; <https://www.ifrs.org>; <https://www.iaasb.org>; <https://www.ifrs.org>; <https://www.aicpa.org>; <https://www.pwc.com>; <https://www.soas.ac.uk>; <https://www.psu.by>; <https://www.msu.ru>; <https://www.ranepa.ru>; <https://spbu.ru>; <http://www.tfi.uz>; <http://tsue.uz>; <http://www.sies.uz>.

иқтисодиёт университети, Жанубий Россия давлат иқтисодиёт ва сервис университети, Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги молия университети (Россия Федерацияси), Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Жаҳонда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг касса ҳамда ҳисоблаш методлари такомиллаштирилган (International Public Sector Accounting Standards Board); бюджет тизимида бюджетдан ташқари жамғармалар тўғрисидаги ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш бўйича ривожланган ва ривожланаётган давлатлар учун услубий тавсиялар шакллантирилган (International Monetary Fund); бюджет тизimini бошқаришда кучли ички назорат муҳитини яратиш, ҳисобдорлик ва ахборотларнинг очиқлигини таъминлашда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини жорий қилишнинг бир ва кўп босқичли йўналишлари ишлаб чиқилган (International Federation of Accountants IFAC); давлат бюджети ижроси ва унинг бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг Англо-Америка, Европа ва Хитой моделлари ишлаб чиқилган (Organisation for Economic Cooperation and Development); глобал инқироз шароитида бюджет ташкилотлари маблағларининг сарфланишида ҳисоб ахборотларининг ишончлилиги давлатларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши исботланган (Pricewaterhouse Coopers); бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олишнинг модификациялашган усуллари ишлаб чиқилган (Лондон университети); бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этиш ва назоратини амалга оширишнинг ташкилий-услубий асослари назарий жиҳатдан такомиллаштирилган (Жанубий Россия давлат иқтисодиёт ва сервис университети); бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритишда даромад ва харажатларнинг мувофиқлиги тамойилига амал қилишнинг зарурлиги исботланган (Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги молия университети).

Жаҳонда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида бюджет ташкилотларининг даромад ва харажатларини ҳисобга олишни такомиллаштириш; бюджет ижроси ҳисобини юритишнинг касса методидан босқичма-босқич ҳисоблаш методига ўтиш орқали ахборотларнинг очиқлиги ва таҳлил имкониятларини ошириш; бюджет тизимида молиялаштириш билан боғлиқ ҳисобдорликни ошириш; бюджет ҳисоботи кўрсаткичларининг ўзаро мувофиқлиги ва ошкоралигини таъминлашнинг методологиясини такомиллаштириш бўйича изланишлар амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ва уни такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улар жумласига В.В.Авдеев, В. В.Башкатов, Fernando Belfo, MA Jorge de Jesus, JSB Eirado, Andreea Cirstea, Н.П.Кондраков, О.Красноперова, Jens Heiling, Т.С.Маслова, О.В.Митина, В. Ю.Покусаев, Т.А.Полещук, М.А.Рябова, Antonio Trigo, Wan Zuriati Wan Zakaria, Norazlina Pias, Norlidawahi Wahab, Anwar Shahни киритиш мумкин⁴.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан А.З.Авлоқулов, К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, М.Б.Калонов, А.А.Каримов, С.У.Меҳмонов, М.Остонақулов, А.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев, Н.Қ.Ризаев, С.Н.Ташназаров, А.Ж.Туйчиев, И.Н.Қўзиёв, Ш.В.Ғаниев, К.Б.Ўразов, Б.К.Ҳамдамов, Б.А.Хасанов, К.Р.Хотамов, З.У.Хамидоваларнинг асарларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит, бюджет ҳисоби, ҳисоботи ва назоратининг назарий масалалари ҳамда уларни ривожлантириш йўналишлари ўрганилган⁵.

⁴ Авдеев В.В. Затраты на изготовление готовой продукции, выполнение работ, услуг в учете бюджетного учреждения. Журнал “Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях”. Москва. 2013.; Башкатов В. В., Покусаев В. Ю. Особенности бухгалтерского учета в бюджетных учреждениях. Журнал “Современная наука: актуальные проблемы и пути их решения”. Выпуск № 13 / 2014. 320 с.; Fernando Belfo, Antonio Trigo Accounting Information Systems: Tradition and Future Directions. Procedia Technology. Volume 9, 2013, Pages 536-546.; MA Jorge de Jesus, JSB Eirado. Relevance of accounting information to public sector accountability: A study of Brazilian federal public universities. ТЭКХНЕ - Review of Applied Management Studies. 2012.; Andreea Cirstea. The Need for Public Sector Consolidated Financial Statements. Procedia Economics and Finance. Volume 15, 2014, Pages 1289-1296.; Кондраков Н.П. и др. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. -М.: Проспект, 2006.; Красноперова О. Бюджетный учет – М.: “ГроссМедиа Ферлаг”, 2008.; Jens Heiling (2020) Contributing to The Global Economy. Public Sector Accounting - A Discipline in Its Own Right. ERNST & YOUNG GMBH, Stuttgart, Germany. September 29, 2020.; Митина О.В. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. Учебное пособие. 2020 г. 138 стр.; Полещук Т.А., Маслова Т.С. Контроль и ревизия в бюджетных учреждениях. Учебное пособие. –М.: “ИНФРА-М”, 2017. 227 с.; Рябова М.А. и друг. Бюджетный учет и отчетность : учебное пособие / - Ульяновск : УлГТУ. 2010.; Wan Zuriati Wan Zakaria, Norazlina Pias, Norlidawahi Wahab. A Survey on the Impact of Accounting Information System on Tasks Efficiency: Evidence from Malaysian Public Sector Agencies. International Review of Management and Marketing. ISSN: 2146-4405. 2017, 7(1), 183-190.; Anwar Shah. Public Sector Governance and Accountability Series: Budgeting and budgetary institutions. 2007. The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank.

⁵ Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дис. автореферати. –Т.: 2019.-74 б.; Ахмеджанов К.Б. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. иқт. фан. док. дис. автореферати. –Т.: 2016. – 76 б.; Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.; Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. (2009) “Бюджет назорати ва аудити” Ўқув қўлланма / Т.: «инфоСОМ.УЗ». 192 б.; Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда тахлили методологиясини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дис. автореферати. –Т.: 2019.-52 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2008. – 152 б.; Меҳмонов С.У., Кулибоев А.Ш. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоби. Ўқув қўлланма, «Иқтисод-молия» 2018. 186 б.; Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида янги бухгалтерия ҳисоби. Қўлланма. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2011. 480 б. 237-бет; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Тошкент: 2008. – 252 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: иқт. фан. док. дис. автореф. – Т.: Ўз.Р БМА. 2002. – 43 б.; Ризаев Н.Қ. Интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва тахлилини ташкил этиш методологияси. иқт. фан. док. дис. автореферати. –Т.: 2017. – 76 б.; Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш // Монография.-Самарқанд.: 2018. - 271 б.; Туйчиев А.Ж. ва бошқ. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби. Дарслик. «Иқтисод-молия» 2019. 429 б.; Қўзиёв И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. иқт. фан. док. дис. автореферати. –Т.: 2017. – 70 б.; Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида). иқт. фан. ном. дис. автореферати. –Т.: Ўз Р БМА., 2008. 28 б.; Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. – 236 б.; Ҳамдамов Б.К. ва бошқ. Бюджет назорати. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod moliya”, 2016. 324 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: иқт. фан. док. дис. автореферати. –Т.: Ўз.Р.БМА. 2004. – 42 б.; Хотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, тахлили ва аудитини такомиллаштириш. иқт. фан. док. дис. автореферати. – Т.: БМА, 2016. 62 б.; Хамидова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари. Монография. – Т.: “VNESHINVESTPROM” 2021. 183 б.

Шунингдек, А.С.Бакайбаева, К.Ш.Ибрагимов, С.У.Меҳмонов, М.Останақулов, Ш.В.Ғаниевнинг диссертация ва монографияларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи илмий жиҳатдан асосланишига замин яратилди⁶.

Таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг методологик муаммоларини ўрганишга кенг эътибор қаратилмаган ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг бюджет тизимини ислоҳ қилиш шароитига мувофиқ ўзгариб бориши ушбу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган АМ-ФЗ-2019081548 «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларини трансформация қилиш» мавзусидаги амалий гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бюджет ташкилотлари фаолиятини амалга оширишда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришнинг иқтисодий аҳамияти ва уларни ҳисобга олишнинг зарурлигини назарий ҳамда услубий жиҳатдан асослаш;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий ҳамда услубий асосларини тадқиқ этиш;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларидан сметалар доирасида фойдаланишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган иқтисодий категорияларнинг моҳиятини тадқиқ қилиш ва уларни қўллаш механизмининг такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларини ҳисобга олиш услубиётини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

⁶ Бакайбаева А.С. Ўзбекистон Республикасида бюджет ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш йўллари. иқт. фан. фал. док. дис. автореферати. –Т.: 2020. – 52 б.; Ибрагимов К.Ш. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). иқт. фан. фал. док. дис. автореферати. – Т.: 2018. – 54 б.; Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: “Iqtisod moliiya”, 2016.; Останақулов М. Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби. - Т.: "Иқтисод-молия", 2010. Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида). иқт. фан. ном. дис. автореферати. –Т.: ЎзР БМА., 2008. 28 б.

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатларини ҳисобга олиш услубиётини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти давлат олий таълим ва тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузишнинг назарий, амалий ҳамда услубий асосларини такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, абстракт-манتيқий фикрлаш, монографик кузатув, статистика, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бюджет ташкилотларининг молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағларини қайта тақсимламасдан кейинги молия йилига олдин белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўтказиш таклиф этилган;

бюджет ижроси ҳисобининг ахборот имкониятларини оширишга хизмат қилувчи бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларини ҳисобга олувчи «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар», «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари», «Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобланган даромадлари» счётлар таклиф этилган;

молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатларини ҳисобга олувчи «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳисобланган харажатлари» номли бухгалтерия счёти таклиф этилган;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича тасдиқланган сметалар доирасида амалга ошириладиган харажатларни уларнинг ўрнини қоплаш манбалари мавжуд бўлган тақдирда, тасдиқланган ҳажмларга нисбатан кўпайтириш мумкинлиги асосланган;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг кўрсаткичларини консолидациялашган бюджет ҳисоботи таркибига киритиш орқали бюджет ижроси ахборотларининг очиқлигини таъминлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини сметаларда назарда тутилган мақсадларда сарфланишини таъминлаш,

қўшимча молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган ҳолларда амалга ошириладиган харажатларни режага нисбатан кўпайтиришни назарда тутишнинг зарурлиги асосланган;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлари ва харажатлари ҳисобига оид счётлар таркиби ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича таълим шакллари кесимида бир нафар талабага тўғри келадиган харажатларнинг миқдори аниқланган;

бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришда эконометрик моделни қўллаш орқали бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича пул маблағлари қолдиғи, даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги баҳоланган;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг умумтан олинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотларининг расмийлиги, бюджет ташкилотларига оид маълумотларнинг ҳисобот манбаларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузишни такомиллаштириш учун жорий этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш, уни халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил қилиш, мамлакатимизда «Бюджет ҳисоби», «Бюджет ҳисоботи», «Бюджет ташкилотларининг жамғармалари ҳисоби» фанларини илмий ва назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда бюджет ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий ва услубий тавсияларда ўз ифодасини топади. Илмий натижалардан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда олий ўқув юртларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бюджет ташкилотларининг молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағларини қайта тақсимламасдан кейинги молия

йилига олдин белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўтказиш таклифи «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома»да ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 06/04-02-01-37/353-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши молия йили давомида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлардан сметалар доирасида мақсадли фойдаланишларини таъминлашга хизмат қилган;

молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар ҳисобварақлари таркиби ва уларни ҳисобини юритиш тартиби юзасидан ишлаб чиқилган таклифи Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сон БҲС) «Ягона счётлар режаси»да ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 06/04-02-01-37/353-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида ғазна ижроси тизимида камраб олинган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ҳисобини юритиш тартиби белгиланиб, даромадларнинг турлари тўғрисида жорий ва жамланма бухгалтерия маълумотларини шакллантириш имконини яратган;

молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган харажатлари ҳисобини юритиш тартибига оид ишлаб чиқилган таклифи Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сон БҲС) «Ягона счётлар режаси»да аксини этган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 06/04-02-01-37/353-сон маълумотномаси). Натижада молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари ҳисобини юритиш тартиби белгиланиб, ушбу маблағларнинг турлари бўйича кутилаётган жорий давр молиявий мажбуриятларига оид тезкор бухгалтерия ахборотларини шакллантириш имконини берган;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича тасдиқланган сметалар доирасида амалга ошириладиган харажатларни уларнинг келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан қоплаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда, тасдиқланган ҳажмларга нисбатан кўпайтиришга рухсат этилиши юзасидан ишлаб чиқилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 06/04-02-01-37/353-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар доирасида амалга ошириладиган харажатларни уларнинг қоплаш манбалари доирасида кўпайтириш, фаолият учун зарур бўлган харажатларни қисқа муддатда амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш имкониятини яратиш, бу бўйича ҳуқуқий асосни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича тушумлар ва харажатларини консолидациялашган бюджет ҳисоботи таркибига киритиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги «Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-660-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 06/04-02-01-37/353-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши консолидациялашган бюджет ҳисоботи маълумотларининг янада очиқлиги ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда бюджет ижросига оид ҳисоботларни молия йили яқунлари бўйича кенг миқёсда таҳлил қилиш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 9 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, жумладан, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 218 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузишнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришнинг зарурлиги ва аҳамияти, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг назарий асослари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг асослари тадқиқ этилган.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда нафақат, хусусий сектор, балки, бюджет тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бюджет тизими давлатнинг жамият олдидаги вазифаларини бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодиётни рағбатлантириш, тартибга солиш ва назорат қилиш, муҳофаза, аҳоли бандлигини таъминлаш каби қатор ноҳажолат фаолиятларни молиялаштиришни амалга ошириш мақсадларида хизмат қилади.

Бюджет ташкилотларини узлуксиз ва манзилли молиялаштириш йўналишларини тадқиқ этишда, аввало, мамлакатнинг бюджет тизими тузилишига эътибор қаратиш зарур. Мамлакатимизда Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджет тизимини ташкил этади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари таркибига бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет ташкилотларининг ундириладиган тўловлар ҳисобига шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлари киради.

Бюджет ташкилотларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни молиялаштириш манбаларини ўрганадиган бўлсак, фикримизча, аввало, Давлат бюджети харажатлари таркибида катта улушга эга бўлган ижтимоий соҳа, яъни таълим ва тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Чунки, ушбу соҳа ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар улушини кўпайтириш орқали бюджет юқини бир оз бўлсада, камайтириш ва уларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб моддий манфаатдорликни таъминлаш натижасида фаолиятнинг ривожланишига эришилади.

Давлат бюджетидан маблағ билан таъминладиган бюджет ташкилотларини фаолият хусусиятлари ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ўрганадиган бўлсак, давлат таълим ва тиббиёт ташкилотлари бюджет ташкилотлари таркибида энг катта улушга эга ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Давлат таълим ва тиббиёт ташкилотлари сонининг даврий ўзгариши (1 январь ҳолатига)⁷

Давлат таълим ва тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш Давлат бюджети харажатларининг энг муҳим йўналишларидан саналиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига улар мамлакатда фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг 66,8 фоизини ташкил қилиб, ушбу соҳаларга йўналтирилаётган маблағлар давлат бюджетининг 52,1 фоизига тўғри келмоқда.⁸ 2016-2020 йиллар давомида республика миқёсида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган (2-расм).



2-расм. Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари молиялаштириш ҳажмининг ўзгариш динамикаси (млрд. сўм)⁹

Худди шу даврда вазирликлар ва кўмиталар тизимидаги ташкилотларнинг молиялаштириш манбалари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши сўнгги беш йил давомида ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги № 01/2-01-19-287-сонли маълумотномаси асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

⁸ Фуқаролар учун бюджет 2021 йил лойиҳа. Тошкент 2020. <https://openbudget.uz/#/public-budget>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги № 01/2-01-19-287-сонли маълумотномаси асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

1-жадвал

Бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар улуш(фоиз)ининг даврий ўзгариши¹⁰

Бюджет ташкилотлари	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш
Халқ таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	99,5	0,5	97,9	2,1	97,4	2,6	99,1	0,9	98,7	1,3
Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар			98,3	1,7	98,4	1,6	97,1	2,9	97,4	2,6
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	78,3	21,7	72,9	27,1	62,2	37,8	50,8	49,2	45,0	55,0
Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	94,5	5,5	92,9	7,1	93,6	6,4	94,2	5,8	80,6	19,4
Республика миқёсида	91,1	8,9	79,9	20,1	80,5	19,5	80,4	19,6	83,2	16,8

Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бир молия йили учун тузиладиган даромадлар ва харажатлар сметалари асосида молиялаштирилади. Бюджет ташкилотларида қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари мавжуд ҳамда улар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади (3-расм).



3-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва улар бўйича тузиладиган сметалар¹¹

Бунда, ҳар бир тузиладиган смета икки қисмдан иборат бўлади, яъни даромад (тушум)лар ва харажатлар режаси. Даромад(тушум)лар режасида молия йили давомида кутилаётган даромад(тушум)ларнинг турлари бўйича прогноз келтирилади. Харажатлар қисмида эса, бюджет ташкилотларининг молия йили бошидаги шахсий ғазна ҳисобварағидаги бюджетдан ташқари

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги № 01/2-01-19-287-сонли маълумотномаси асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган

маблағ қолдиғи ва молия йили давомида келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари юзасидан сметалар ижроси ҳар бир маблағларнинг турлари бўйича даромадлар ва харажатларнинг режа кўрсаткичларига нисбатан бажарилишига эътибор қаратилади. Бунда, ғазначиликда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича сметалари касса методи бўйича, яъни ташкилотларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларига пул маблағларининг тушуми даромад ва ҳисобварақлардан пул маблағларининг ўтказилиши харажат сифатида ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг ўзида эса, сметаларнинг ижроси ҳисоб ва касса усулига асосан амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича дастлаб даромадлар ва улар билан боғлиқ дебиторлик мажбуриятлар қайд этилади. Сўнгра, дебиторлик мажбуриятларининг шахсий ғазна ҳисобварақларига келиб тушиши натижасида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича пул маблағларининг кўпайиши ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар режасининг бажарилиши даромадларга ўхшаш тарзда ғазначиликда касса методи асосида қайд этилади. Яъни, ташкилотларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларидан маблағларнинг сарфланиши харажат сифатида ҳисобга олинади. Бюджет ташкилотларида эса, ҳисоблаш методига асосан бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар дастлаб тан олиниб ҳисобга олинади. Шахсий ғазна ҳисобварақлардан маблағларнинг сарфланиши дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар натижаси сифатида қайд этилади ва касса харажат сифатида эътироф этилади. Бунда, ғазначиликда ҳам, бюджет ташкилотларида ҳам сметаларнинг ижроси режага мувофиқ амалга оширилиши талаб этилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларнинг шакллари, уларни тузиш ва тақдим этиш тартиби ҳамда муддатлари ҳам молия органи томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг услубий жиҳатлари”** деб номланиб, унда бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисобининг услубий жиҳатлари, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби масалалари ёритилган.

Бюджет ташкилотини давлат бюджетидан молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар ҳаражатлар сметалари ижроси касса методи асосида амалга оширилади. Бюджетдан ажратилаётган маблағлар тузилган харажатлар сметаси доирасида босқичма-босқич бюджет ташкилотининг топшириғига асосан ғазначиликда очилган шахсий ғазна ҳисобварақлари орқали молиялаштириб борилади. Касса харажатлари, деб эътироф этилишига сабаб, мамлакатимизда давлат бюджети ижроси касса усулига

асосланганлигидадир. Демак, бюджет ташкилотларини давлат бюджетидан молиялаштириш ёки ғазначилик томонидан ташкилот мажбуриятларининг тўланиши бюджет ташкилотларида касса харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар бюджет маблағларидан фарқли ўлароқ, даромадлар ва харажатларнинг режалари ижроси билан узвий алоқадорликда ёки шахсий ғазна ҳисобварақлардаги ўзгаришлар билан эмас, балки, даромад ва харажатларнинг вужудга келиши ва уларни тан олиш орқали ҳисоби юритилиши зарур. Бир сўз билан айтганда, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад ва харажатлар бюджет ташкилотларида ҳисоблаш усулига асосан ҳисобга олинishi керак.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромад (тушум)ларини иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ва ундириладиган маблағлар ҳисобидан шакллантириладиган даромад (тушум)лар (4-расм).



4-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларининг гуруҳланиши ва таркиби.¹²

Бюджетдан ташқари даромадлари ва улар билан боғлиқ маблағларнинг ҳаракати «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги йўриқнома асосида қуйидаги «турларга ажратган ҳолда ҳисобга олинishi белгиланган:

тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлари;

бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

бошқа бюджетдан ташқари маблағлари»¹³.

¹² Муаллиф томонидан тузилган

¹³ «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)

Қуйида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ҳисобини кўриб ўтамиз. Олий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида талабалар ва ўқувчиларнинг тўлов-контракт асосида «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги низомга (2013 йил 26 февраль, 2431-сон) кўра таҳсил олиш учун ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши натижасида даромадлар вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони (2020 йил 2 март, ПФ-5953-сон)нинг 18-бандига асосан «Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида тўрт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминлаш»¹⁴ вазифаси юклатилган бўлиб, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар ўқиш учун тўловларни тенг улушларда тўртга бўлиб амалга оширишлари белгиланган.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромадлар тузилган шартнома асосида тўловларнинг бир ўқув йилида 4 маротаба амалга оширилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар ойда амалга ошириладиган харажатларга мос тарзда ҳисобга олиниши зарур.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тўловлар бир ўқув йили давомида тўртга бўлиб тўлашга руҳсат берилиши таҳсил олувчиларга енгиллик яратишга хизмат қилади. Аммо, ўқув йили давомида таълим бериш билан боғлиқ харажатлар узлуксиз ойма-ой амалга ошириб борилади. Ўз-ўзидан, харажатларнинг ойма-ой амалга оширилиши улар билан боғлиқ даромадларни ҳам шунга мос тарзда ҳисобга олишни талаб этади. Шу сабабдан ҳам, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромадларни пул маблағларининг келиб тушишидан қатъий назар, таълим хизмати кўрсатилиши билан тан олиш ва ҳисобга олишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бюджет ташкилотларида ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар, бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми, белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар, хомийликдан

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони (2020 йил 2 март, ПФ-5953-сон)

олинган маблағлар юзасидан даромадлар вужудга келади. Ушбу даромадлар бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадлари саналади.

Ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағларнинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши ушбу турдаги маблағларнинг кўпайишига олиб келади ва бюджет маблағлари бўйича касса харажатларни вужудга келтиради. Мазкур ҳолат шакл жиҳатдан ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадни ҳосил қилмайди ва қуйидагича бухгалтерия акс эттирилади:

Дт 112-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари»
(Пул маблағлари);

Кт 232-«Бюджетдан молиялаштириш» **(Бюджет маблағлари бўйича касса харажат).**

Мазкур ҳолатда бухгалтерия ўтказмалари натижасида ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси даромадлари ҳосил бўлмасида, келгусида ўтказилган пул маблағлари доирасида харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ манба ҳосил бўлмоқда. Ушбу манбани иқтисодий жиҳатдан изоҳланса, унинг хусусияти даромадни ифодалайди.

Бюджет ташкилотларининг фаолият ихтисослиги бўйича товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан олинган даромадлар ташкилотда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ амалга оширилган харажатлар ва уларни сотишдан олинган тушумлар ўртасидаги ижобий фарқ, яъни фойда натижасида пайдо бўлади. Бюджет ташкилотларида фаолият турига хос ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойданинг ривожлантириш жамғармаси даромадига ўтказилади.

Бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларни бир қисмининг ривожлантириш жамғармасига келиб тушиши «Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом асосида амалга оширилади. «Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охириги белгиланган миқдоридан ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган даврлар (ҳар чоракда, ҳар ойда ва шу каби) бўйича тенг миқдордаги тўловлар билан тўланади. Тўлов ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ҳар бир навбатдаги давр (чорак, ой ва шу қабилар) учун юз фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади»¹⁵.

Бюджет ташкилотларида мол-мулкни ижарага беришдан олинган тушумлар шартномада белгиланган муддатларда (график асосида) олдиндан келиб тушади ва шу асосда ижарадан тушумларни ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси даромадларига ўтказиш керак бўлади. Аммо, ижарадан тушумлар «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» йўриқномага асосан ташкилот бухгалтериясида акс эттирилиши белгиланган.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, сарфлаш йўналишлари

¹⁵ «Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрель, 102-сон қарорига илова)

белгиланган. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан (шу жумладан, оширилган тўлов-контракт асосида) тушган маблағлар белгиланган тартибда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида барча харажат гуруҳларини молиялаштиришга сарфланади.

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини ва мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш, бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари, бюджет ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирлари учун фойдаланилади.

Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағларининг шаклланиш манбалари ва уларни сарфланиш йўналишлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Аммо, ушбу маблағлар бўйича харажатлар, уларни амалга ошириш, ҳисобини юритиш билан боғлиқ умумий жиҳатлари мавжуд. Яъни, барча бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланиши харажатларнинг иқтисодий таснифга асосан тўртта гуруҳ (иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш берувчининг ажратмалари, капитал қўйилмалар ва капитал таъмирлаш, бошқа харажатлар) асосида амалга оширилади (5-расм).



5-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатларини ҳужжатлаштириш ва ҳисобини юритишнинг схематик кўриниши¹⁶

¹⁶ Муаллиф томонидан тузилган

«Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги йўриқномага кўра, бюджет ташкилотларида ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажат (ҳақиқий харажат ва касса харажат)лар бошланғич ҳужжатлар асосида иккиёқлама ёзув қондасига амал қилган ҳолда ҳисоб регистрлари, ҳисоб шаклларида қайд қилинади ва ҳисоби алоҳида юритилади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларининг ижроси юзасидан касса ва ҳақиқий харажатлар алоҳида ҳисобга олинади. Бир вақтнинг ўзида, параллел тарзда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар бухгалтерияда ҳисобга олинади (2-жадвал).

2-жадвал

Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳақиқий харажатларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши¹⁷

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ҳисобланиши	Ҳақиқий харажатлар 251-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» 261-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» 271-«Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар»	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича мажбуриятлар 171-«Ходимлар билан ижтимоий нафакалар бўйича ҳисоб-китоблар» 173-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» 174-«Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар»
2	Ижтимоий ажратманинг ҳисобланиши		Ижтимоий солиқ бўйича мажбуриятлар 163-«Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар»
3	Товар моддий-захираларнинг омордан фойдаланиш учун берилиши		Товар моддий-захиралар 06-«Бошқа товар-моддий захиралар»
4	Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш		Асосий воситаларнинг эскириши 02-«Асосий воситаларнинг эскириши»
5	Қолдик қийматини ҳисобдан чиқарилиши		Асосий воситалар 01-«Асосий воситалар»
6	Кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар		Мажбуриятлар 150-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» 159-«Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар»

Мазкур бухгалтерия ўтказмалари бюджет ташкилотларининг барча бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳақиқий харажатларни ҳисобда акс эттиришга хосдир. Фақат харажатларнинг қайси молиялаштириш манбасидан амалга оширилишидан келиб чиқиб, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи счётлар фарқланади. Шу ўринда, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ҳисобининг ўзига хос жиҳати вужудга келади. Яъни, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи счётлар алоҳида, аммо, улар билан боғлиқ мажбуриятлар ва активларни ҳисобга олувчи счётлар умумий кўринишда белгиланган. Бу эса, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харжатлар юзасидан таҳлилий ахборотларни шакллантириш ҳамда ушбу харажатлар билан боғлиқ ҳолатда мажбуриятлар ва активларнинг қайси молиялаштириш манбасидан вужудга келганлигини акс эттиришда номутаносибликларни келтириб чиқаради.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича касса харажатларига тўхталадиган бўлсак, мажбуриятларнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўланиши ҳамда аванс (бўнак) тўловларининг

¹⁷ Муаллиф томонидан шакллантирилган

ғазначилик томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ жараёнлар, уларни ҳужжатлаштириш ва ҳисобини юритиш каби жиҳатларни ўрганиш етарли. Мазкур ҳолатда яна бир ўзига хос хусусият кўзга ташланади-ки, касса харажатлари бир вақтнинг ўзида ғазначиликда ҳамда бюджет ташкилотларида бир хил қиймат шаклида, аммо, турли кўринишларда ҳисобга олинади.

Ғазначиликда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича касса харажатлари уларнинг иқтисодий таснифи асосида ҳамда бюджет ғазна ижроси ҳисобининг бухгалтерия счётлари орқали ҳисобда акс эттирилади. Бюджет ташкилотларида эса, касса харажатлари бюджетдан ташқари маблағлар бўйича мажбуриятлар ва аванс (бўнак) тўловларининг амалга оширилиши натижасида кредиторлик мажбуриятларнинг камайиши ҳамда дебиторлик мажбуриятларининг вужудга келиши сифатида ҳисобга олинади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишда улар бўйича касса харажатларига алоқадор бирор бир ҳисоб объекти ёки кўрсаткич мавжуд эмас. Фақатгина, «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» билан тасдиқланган «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар»¹⁸да харажатларни ифодалаш билан боғлиқ мазкур кўрсаткичларни кўриш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби **“Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича молиявий ҳисоботларни тузишнинг услубий муаммолари”** деб номланиб, унда бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига оид молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг ахборот имкониятлари ҳамда таҳлили баён қилинган.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар, харажатлар ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги даврий ахборотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар»да белгиланган шакл ва муддатларда тузиб тақдим этилади.

Бюджет ташкилотларининг «молиявий ҳисоботлари таркиби куйидагилардан иборат:

Баланс (1-сон шакл);

Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот;

Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл);

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот;

¹⁸ «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» (2018 йил 26 декабрь, 2971-сон)

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.»¹⁹

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ белгиланган муддатларда тегишли молиялаштириш органлари ёки бюджет маблағларини тақсимловчиларга тақдим этилади ва ушбу ҳисоботлар жамланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади (6-расм).



6-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларнинг тақдим этилиши²⁰

Бюджет ташкилотларининг ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлари билан боғлиқ алоҳида молиявий ҳисобот шакллариининг ахборот имкониятларини ўрганадиган бўлсак, баланс марказий ўринни эгаллайди. Бюджет ташкилотларида молиялаштириш манбалари турлари ва уларнинг ҳажмларидан қатъий назар ягона баланс шакллантирилади. Балансда ҳисобот йили бошига ташкилотнинг маблағлари ва унинг манбалари ҳолати келтирилиб, уларнинг ҳисобот даври давомидаги ўзгаришлари натижасида ҳисобот даври охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилади.

Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғарамаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда даромадлар ҳамда ушбу

¹⁹ «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» (2018 йил 26 декабрь, 2971-сон)

²⁰ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан тузилган

маблағлар билан боғлиқ харажатлар асосан касса ва ҳақиқий харажатлар йўналишдаги ахборотлар келтирилади. Фойдаланувчи ушбу ҳисобот шакли орқали жамғарманинг пул маблағлари қолдиқлари ва уларнинг ҳаракати, даромадларнинг таркибий тузилиши ва даврий ўзгариши, амалга оширилган харажатларнинг таркиби ва уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш имконига эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган талабларнинг бажарилганлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади (3-жадвал).

3-жадвал

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг ахборот имкониятлари²¹

Т/р	Ҳисобот кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар таркиби	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
1.	Йил бошига пул маблағи қолдиғи	Пул маблағларининг йил бошидаги қолдиғи	1 январь ҳолатига ривожлантириш жамғармаси пул маблағларининг шахсий ғазна ҳисобварақдаги қолдиғи тўғрисида ахборот берилиб, ушбу пул маблағи ўтган ҳисобот даври ва жорий ҳисобот давридаги пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланилади.
2.	Ҳисобот даврида тушган даромад	Даромадлар ва тушумлар тулари бўйича	Ривожлантириш жамғармасига ҳисобот даври давомида иқтисод қилинган бюджет маблағлари, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан, белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар, ҳомийликдан олинган тушумлар ҳамда даромад тўғрисида ахборотлар келтирилиб, улар орқали ишлаб чиқариш фаолияти натижалари ҳамда умумий даромад таркибидаги улушини таҳлил қилиш мумкин.
3.	Харажатлар	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Ҳисобот даври давомида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилди. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
4.		Иш ҳақига қўшимчалар	Ижтимоий солиқ ва иш берувчининг ажратмалари бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган харажатлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилди. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақига қўшимчалар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
5.		Капитал кўйилмалар	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан капитал кўйилмаларнинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали капитал кўйилмаларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
6.		Бошқа харажатлар	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бошқа харажатлар (коммунал тўловлар, асосий воситалар бўйича харажатлар, товар-моддий захиралар бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар)нинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали бошқа харажатларнинг даврий ўзгариши ҳамда мавжуд қарздорликларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.

Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот каби тузилишга эга бўлиб, ушбу ҳисоботдан фойдаланиш билан боғлиқ ахборотлар ҳам ўхшашдир.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари билан боғлиқ ҳолатда ҳисоботда маблағларнинг қолдиқлари, ҳисобот даври

²¹ Муаллиф томонидан тузилган

давомидаги даромадлар ва харажатлар ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги ахборотлар келтирилади. Ушбу ахборотлар орқали таълим муассасасининг ҳисобот даври билан боғлиқ пул маблағлари ҳаракатини, ушбу даврдаги ҳисобга олинган даромадлар таркибини, амалга оширилган харажатлар ҳажми ва таркибини таҳлил қилиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг ахборот имкониятлари²²

Т/р	Ҳисобот кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар таркиби	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
1.	Йил бошига пул маблағи қолдиғи	Пул маблағларининг йил бошидаги қолдиғи	1 январь ҳолатига ўқитишнинг тўлов-контракт шакли пул маблағларининг шахсий ғазна ҳисобварақдаги қолдиғи тўғрисида ахборот берилиб, ушбу пул маблағи ўтган ҳисобот даври ва жорий ҳисобот давридаги пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланилади.
2.	Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар	Ўқув йили давомида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар	20__-20__ ўқув йили учун 01.03.20__ га қадар келиб тушган пул маблағлари, жорий ўқув йили учун тушган контракт суммаси (20__-20__ ўқув йили учун) ҳамда бошқа тушумлар тўғрисидаги ахборотлар берилади. Ушбу ахборотлар воситасида таълим муассасасида молия йилининг дастлабки яримида 20__-20__ ўқув йили учун ҳамда 20__-20__ ўқув йили учун 01.03.20__ га қадар тушган маблағларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.
3.	Харажатлар	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Ҳисобот даври давомида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
4.		Иш ҳақига қўшимчалар	Ижтимоий солиқ ва иш берувчининг ажратмалари бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган харажатлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақига қўшимчалар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
5.		Капитал (қурилиш) қўйилмалар	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан капитал (қурилиш) қўйилмаларнинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали капитал (қурилиш) қўйилмаларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
6.		Бошқа харажатлар	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан бошқа харажатлар (коммунал тўловлар, асосий воситалар бўйича харажатлар, товар-моддий захиралар бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар)нинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали бошқа харажатларнинг даврий ўзгариши ҳамда мавжуд қарздорликларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.

Таълим ташкилоти ҳисобланган олий таълим муассасасининг молиявий ҳисоботларини таҳлил қиладиган бўлсак, молиялаштиришнинг асосий учта йўналиши мавжуд. Булар, бюджетдан молиялаштириш, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан иборат Мазкур молиялаштириш манбаларини вужудга келиши ва уларнинг сарфланишини таъминлаш бевосита уларга оид даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларини алоҳида тарзда таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Олий таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришнинг энг катта имкониятларига эга ташкилот ҳисобланиб,

²² Муаллиф томонидан тузилган

бунда, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари асосий ўринни эгаллайди. Шу сабабдан ҳам, таълим хизматини кўрсатаётган ташкилотда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатларнинг мақсадлилигини таъминлашда ҳар бир таълим шакли бўйича фаолият натижаларини ҳамда бир нафар талабага тўғри келадиган харажатлар миқдорини аниқлаш муҳим саналади.

5-жадвал

ОТМда таълим шакллари бўйича бир нафар талабага тўғри келадиган харажатлар (минг сўм)²³

Таълим шакллари	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Кундузги таълим					
Бакалавр					
Бакалавр	7483,6	8822,1	10150,1	13943,5	12345,1
қўшма факультет				17218,2	15992,1
Магистр					
Магистр	8157,1	9351,4	10858,6	14997,6	13129,0
қўшма факультет				19255,3	21263,4
Сиртки таълим					
сиртки таълим				3789,2	4901,1
иккинчи таълим				3789,2	4901,1

Олий таълим муассасасида кундузги таълим шакллари бўйича тўлов-контракт шакли миқдорини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб белгилаш зарур. Ҳеч бўлмаганда, ушбу таълим шакллари бўйича амалга ошириладиган харажатларни қоплаш даражасида контракт миқдорини ошириш мақсадга мувофиқ. Сиртки таълим шакли ва оширилган тўлов-контрактдан тушумлар кундузги таълим шаклларида ҳам харажатларини қоплаши нотўғри саналади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш**” деб номланиб, унда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш, бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини ошириш йўллари баён этилган.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджет тизими таркибига кирганлиги сабабли, ушбу маблағлар бўйича даромадлар ҳисобини юритиш фақатгина, бюджет ташкилотларида амалга оширилмасдан, балки молия органи ва ғазначиликда ҳам юритишни ташкил этиш зарур. Бунинг учун эса, бюджет ташкилотларида бўлгани каби молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағларини гуруҳлаштириш ва улар бўйича ҳисобланган даромадларга оид ягона ҳисобварақлардан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг амалдаги таркиби ва турларидан келиб чиқиб, улар бўйича

²³ Муаллиф томонидан шакллантирилган

даромадларни ҳисобга олишнинг ҳисобварақларини қуйидаги таркибда шакллантириш таклиф этилади (6-жадвал).

6-жадвал

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадларини ҳисобга олувчи таклиф этилган ҳисобварақлар таркиби²⁴

Даромадлар	Даромадлар таркиби
Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар	Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар
	Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар
	Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар
	Бюджет ташкилотлари томонидан ўқувчилар болалар мусика ва санъат мактаблари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим олганлиги учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар
	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар
Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари	Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари
	Тибиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари
Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобланган даромадлари	Ташкилотда ходимларнинг овқатланиш бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар
	Стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганларнинг овқатланиши учун тўловлари бўйича тушумлар
	Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича ҳисобланган даромадлар
	Бюджет ташкилотларининг конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари

Ушбу ҳисобварақлар таркиби молия органи, ғазначилик ва бюджет ташкилотлари учун умумий ҳисобланиб, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш имконини беради. Мазкур счётлар билан боғлиқ бухгалтерия ўтказмалари кўриб ўтамиз (7-жадвал).

7-жадвал

Молия органи ва ғазначиликда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадларига оид бухгалтерия ўтказмалари²⁵

№	Муомала мазмуни	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлари	154000 - Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари дебитор қарзлари	520000 - Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари
2	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари тушуми	102400 - Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	154000 - Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари
3	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадларнинг молиявий натижага ўтказилиши	520000 - Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобланган даромадлари	992100 - Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари тушумининг молиявий натижалари

Молия органи ва ғазначилик бўлинмаларида ғазна ижроси тизимида камраб олинган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларнинг турлари тўғрисида оператив жорий ва жамланма

²⁴ Муаллиф томонидан тузилган

²⁵ Муаллиф томонидан тузилган

бухгалтерия маълумотлари шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, бутун бир ғазначилик тизимида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича тушуми кутилаётган даромадлар тўғрисида ахборотлар шакллантирилиши таъминланади. Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг ғазна ижросига оид ахборотлар Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлаштиришга эришилади;

2. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тўловлар ўқув йили давомида бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган. Аммо, ўқув йили давомида таълим бериш билан боғлиқ харажатлар узлуксиз тарзда ойма-ой амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига кўра, барча даражадаги бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ижросини амалга ошириш бюджетларнинг баланслилиги ва ўзаро боғлиқлиги принципига асосланилиши белгиланган. Яъни, «бюджет тизими бюджетларида назарда тутилган харажатлар ҳажми уларнинг даромадлари ва тақчилликни қоплаш манбалари йиғиндисининг ҳажмига мувофиқ бўлиши керак»²⁶.

Бундан келиб чиқадики, бюджет тизимининг таркибий қисми ҳисобланган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг харажатлари ҳажми уларнинг даромадлари ва йил бошидаги маблағлар қолдиғи йиғиндисининг ҳажмига мувофиқ бўлиши керак. Шунинг учун, маблағларнинг келиб тушишидан қатъий назар, даромадларни харажатларнинг ойма-ой амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолда ҳисобга олиш зарур. Демак, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромадларни пул маблағларининг келиб тушиш даврийлигидан қатъий назар, таълим хизмати кўрсатиб борилиши билан боғлиқ ҳолатда тан олиш ва ҳисобда акс эттириш бўйича услубий асосларни яратиш зарур;

3. Бюджет ташкилотларида вақтинчалик фойдаланилмаётган асосий воситаларни ижарага бериш ва ундан тушган маблағлар ҳисобини юритиш борасида «Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом ҳамда «Ижара» номли 6-сон Бюджет ҳисоби стандарти талабларидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасига асосий воситалар ижараси бўйича бўнак тўловларини муддати кечиктирилган даромадлар сифатида ҳисобга олиш бўйича қўшимча киритиш зарур.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ва уларнинг ҳисобини юритиш бюджет тизими учун нечоғлиқ аҳамиятли эканлигини кўрсатмоқда. Бюджет тизимидаги ислохотларни амалга оширишда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидагилар таклиф этилади:

1. Бюджет ташкилотларининг молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағларини келгуси йил учун сметаларни тузишда қайта тақсимламасдан кейинги молия йилида олдин белгиланган

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 10-модда. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонун.

мақсадларда фойдаланиш учун ўтказиш тартибини белгилаш зарур. Натижада, бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари маблағларни молия йили давомида даромад ва харажатлар сметаларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланишлари таъминлади. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда кредиторлик мажбуриятларнинг ортиб кетмаслиги таъминланади;

2. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича тасдиқланган сметалар доирасида амалга ошириладиган харажатларни уларнинг келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан қоплаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда, тасдиқланган ҳажмларга нисбатан кўпайтиришга рухсат беришни белгилаш зарур. Бунинг натижасида бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан сметалар бўйича амалга ошириладиган харажатларни уларнинг қоплаш манбалари доирасида кўпайтириш, фаолият учун зарур бўлган харажатларни қисқа муддатда амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш имконияти яратилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларни тасарруф қилиш ва бошқариш бўйича имконияти янада кенгайтирилади;

3. Молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган харажатлар бўйича **“Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган харажатлари” счётини** киритиш зарур. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ҳисоби фақатгина, бюджет ташкилотларида юритилмасдан, балки, молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида ҳам юритилиши ушбу маблағларнинг турлари бўйича кутилаётган жорий давр молиявий мажбуриятларига оид тезкор бухгалтерия ахборотларини шакллантиришга хизмат қилади (8-жадвал).

8-жадвал

Молия органи ва ғазначиликда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган харажатларига оид бухгалтерия ўтказмалари ²⁷

№	Муомала мазмуни	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатларининг ҳисобда акс эттирилиши	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳисобланган харажатлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари
2	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича кредитор мажбуриятларининг тўланиши	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари
3	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган харажатларининг молиявий натижага ўтказилиши	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатларининг молиявий натижалари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳисобланган харажатлари

²⁷ Муаллиф томонидан тузилган

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари билан боғлиқ жорий даврдаги молиявий мажбуриятлари ва ҳисобланган ҳақиқий харажатлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда маблағларни самарали бошқариш имконияти яратилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг ахборотлар имкониятларини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакллари номувофиқ улардаги кўрсаткичлар маблағларнинг фақатгина, шахсий ғазна ҳисобварақдаги ҳаракатига асосланмаганлиги учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг номидан “пул” сўзини чиқариб ташлаш зарур. Шунда, ҳисоботлар таркибида бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағларининг барча жиҳатлари қамраб олинишига эришилади;

2. Юқоридаги таклифнинг мантиқий кетма-кетлиги сифатида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакллари таркибида қуйидаги тарзда ҳисобланган даромадларга оид кўрсаткичларни киритиш зарур. Хусусан, бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳамда тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларга ҳисобот даврида ҳисобланган даромад (тушум)лар сатри ва унинг таркибида фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан молиявий натижа, бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан даромад, белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар кўрсаткичларини киритиш зарур. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот таркибига ҳам ҳисобот даврида ҳисобланган даромадларга оид кўрсаткичларни киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳисобот шаклларида ҳисобланган даромадларга оид киритилган қўшимчалар молиявий ҳисоботларнинг пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ бўлган ахборот имкониятларини ошириб, ҳақиқатда ҳисобланган кўрсаткичларга асосланган ахборотларни шакллантиришга хизмат қилади.

3. Бюджет кодексига асосан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджет тизимининг таркибига киритилганлиги сабабли, консолидациялашган бюджет ҳисоботини тузишда унинг ахборот имкониятларини янада ошириш учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги кўрсаткичларни ҳам киритиш зарур.

ХУЛОСА

Бюджет тизимида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг методологиясини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган изланишлар натижасида муҳим хулосалар шакллантирилди:

1. Бюджет тизимида солиқ юкини камайтириш, бюджет харажатларини оптималлаштириш билан боғлиқ ислохотларни амалга оширишда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, Давлат бюджетидан молиялаштирилувчи бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш муҳим йўналишлардан бири саналади. Шу билан бирга, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар турлари ва уларнинг улушини кўпайтириш бюджет ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

2. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ жиҳатлар, кўрсаткичлар, жараёнлар, муносабатлар, ходисалар, ўзига хос бўлган томонлар ўрганилиши натижасида бухгалтерия ҳисоби ва бюджет ҳисоби билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжудлиги кузатилди. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, объектлари, субъектлари, усуллари назарий жиҳатдан асосланди. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг таркиби, уларни тузиш ва тақдим этиш тартибини ўрганиш натижасида ҳисоботлардаги ахборотларнинг фойдаланувчилар учун муҳимлиги ва уларни таҳлил қилиш имкониятлари назарий жиҳатдан тадқиқ этилди.

3. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби амалиётида даромадлар уларнинг турлари бўйича таркибланади ва ҳисоби юритилади. Бюджет ташкилотларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ёки тушумлар шакллантирилади. Даромадларнинг шаклланиши ва ҳисобини юритиш уларнинг тан олиниши ҳамда вужудга келиши билан боғлиқ жараёнларни ўзида ифодалайди. Тушумлар эса, бевосита маблағларнинг ҳаракати билан боғлиқ ҳолатда тан олинади ва ҳисобга акс эттирилади.

4. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ҳисобини юритиш уларни иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш ва таркиблаштириш орқали амалга оширилади. Харажатларнинг вужудга келиши, уларни тан олиш ва ҳисобини юритиш ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ саналиб, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ҳақиқий харажатлар ва касса харажатларга ажратилган ҳолда ҳисоби юритилади. Маблағларни сарфлаш бўйича йўналишлар ва меъёрларнинг белгиланиши бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар юзасидан таҳлилий ҳисоб ишларини юритишни талаб этади.

5. Бюджет ташкилотларида дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини юритишда ташкилотни молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, таҳлилий ҳисоб ишлари амалга оширилади. Ҳар бир бюджетдан

ташқари маблағлар бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар тўғрисида ахборотларни шакллантиришда ташкилот фаолият хусусияти эътиборга олинади.

6. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар фойдаланувчилар учун асосий ахборот манбаи ҳисобланиб, улардаги кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлиги ва ишончлилиги энг муҳим масалалардан биридир. Шу сабабдан, бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларга қўйиладиган умумий талаблар мавжуд. Ҳисоботларни тузиб тадқиқ этиш молия органи томонидан тартибга солинади.

7. Бюджет ташкилотларининг молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағларини келгуси йил учун сметаларни тузишда қайта тақсимламасдан кейинги молия йилида олдин белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўтказиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида, бюджетдан ташқари маблағларни молия йили давомида даромад ва харажатлар сметаларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланишларини таъминлайди.

8. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича сметалар доирасида амалга ошириладиган харажатларни уларнинг келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан қоплаш имконияти мавжуд бўлса, тасдиқланган ҳажмларга нисбатан кўпайтиришга рухсат беришни белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан сметалар бўйича амалга ошириладиган харажатларни уларнинг қоплаш манбалари доирасида кўпайтириш, фаолият учун зарур бўлган харажатларни қисқа муддатда амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш имконияти яратилади.

9. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджет тизими таркибига кирганлиги сабабли, ушбу маблағлар бўйича даромадлар ҳисобини юритиш фақатгина, бюджет ташкилотларида амалга оширилмасдан балки, молия органи ва ғазначиликда ҳам юритишни ташкил этиш зарур. Бунинг учун эса, бюджет ташкилотларида бўлгани каби молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағларини гуруҳлаштириш ва улар бўйича ҳисобланган даромадларга оид ягона ҳисобварақлардан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

10. Бюджет тизимининг таркибий қисми ҳисобланган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг харажатлари ҳажми уларнинг даромадлари ва йил бошидаги маблағлар қолдиғи йиғиндисининг ҳажмига мувофиқ бўлиши талаб этилади. Шу боисдан, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромадларни пул маблағларининг келиб тушиш даврийлигидан қатъий назар, таълим хизмати кўрсатиб борилиши билан боғлиқ ҳолатда тан олиш ва ҳисобда акс эттиришни белгилаш зарур.

11. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари Бюджет кодексига асосан бюджет тизими бюджетлари таркибий қисми

ҳисобланганлиги учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига оид даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларини консолидациялашган бюджет ҳисоботи таркибида акс эттириш зарур.

Тадқиқотда келтирилган илмий натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисоботининг назарияси ҳамда методологиясини такомиллаштиришга ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ №DSc.03/30.12.2019. I.17.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

ОСТОНОКУЛОВ АЗАМАТ АБДУКАРИМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ УЧЕТА И ОТЧЕТНОСТИ
ВНЕБЮДЖЕТНЫХ СРЕДСТВ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

08.00.08–Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)

город Ташкент – 2021 год

Тема диссертации доктора экономических наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.2. DSc/Iqt238.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: Мехмонов Султонали Умаралиевич
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович
доктор экономических наук, профессор

Дусмуратов Ражаббой Давлетбоевич
доктор экономических наук, профессор

Ибрагимов Абдугафур Каримович
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: Самаркандский институт экономики и сервиса

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.03/30.12.2019. I.17.01 при Ташкентском финансовом институте "10" 12 2021 года в 14⁰⁰ часов. Адрес: 100000, проспект Амира Темура, дом 60А, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрирована за №235). Адрес: 100000, проспект Амира Темура, дом 60А. Тел.: (99871) 234-53-34.

Автореферат диссертации разослан "27" 11 2021 года.
(протокол реестра №50 от "12" 11 2021 года)



Т.З. Тешабаев,
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

Ф.К. Холмаматов,
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, PhD., доцент

И.Н. Кузиев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Государственный бюджет формируется в целях финансового обеспечения бюджетных организаций и получателей бюджетных средств, а также для финансирования государственных расходов. Согласно отчету Международного валютного фонда за апрель 2020 года, «в развитых странах в условиях пандемии и кризиса бюджетные расходы составляют 40 процентов ВВП, а организации государственного сектора являются крупнейшими работодателями с точки зрения занятости»¹. В мировой практике финансирование организаций государственного сектора осуществляется за счет средств государственного бюджета и внебюджетных средств. Целевое и адресное расходование бюджетных и внебюджетных средств в бюджетных организациях напрямую связано с эффективной организацией их учета и прозрачностью показателей финансовой отчетности. По этой причине в большинстве стран мира особое внимание уделяется развитию учета исполнения бюджета и отчетности в государственном секторе в соответствии с требованиями международных стандартов бухгалтерского учета.

В соответствии с результатами проведенного исследования выявлено, что в государственном секторе стран мира проведен ряд научных исследований, направленных на адаптацию методики ведения учета исполнения бюджета и составления отчетности к международным стандартам. В этих исследованиях рассматриваются такие вопросы, как бюджетная система и управление ею, методы и направления организации учета исполнения бюджета, обеспечение прозрачности и подотчетности информации об исполнении государственного бюджета, улучшение информационного обеспечения бюджетной отчетности. Наряду с этим в качестве отдельного направления исследованы вопросы усиления роли учетной информационной системы в обеспечении эффективного использования средств в организациях государственного сектора, обеспечения гласности, формирования обобщенной информации. И здесь необходимо особо отметить, что в проведенных исследованиях выявлено, что вопросы ведения учета исполнения бюджета и составления отчетности решаются на основе кассового метода и метод начисления бухгалтерского учета, при этом разработаны направления повышения их роли в формировании информации по исполнению бюджета. Однако вопросы разработки методологии учета бюджетных и внебюджетных средств в государственном секторе на уровне требований международных стандартов бухгалтерского учета и расширения информационных возможностей бюджетной отчетности до сих пор не нашли своего положительного решения.

¹ International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April. <https://www.imf.org/en/Publications/FM/Issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>

В реформировании бюджетной системы республики «требуется гармонизация порядка бюджетного учета с Международными стандартами финансовой отчетности в государственном секторе (IPSAS)»², обеспечение открытости информации по исполнению бюджета, исходя из требований международных стандартов, усиление подотчетности за расходование средств в бюджетной системе, расширения масштабов применения современных информационных систем в процессе исполнения бюджета. Вместе с тем, этот процесс также требует расширения возможностей анализа информации по бюджетной отчетности путем перевода учета исполнения бюджетов бюджетной системы с кассового метода на расчетный. В свою очередь, данные аспекты требуют глубокого исследования и совершенствования имеющихся методологических основ, касающихся учета и отчетности по внебюджетным средствам в бюджетных организациях.

В связи с этим данная диссертация в определенной степени будет способствовать осуществлению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановления Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2017 года ПП-3231 «О дальнейшем совершенствовании механизма финансирования образовательных и медицинских учреждений и системы государственного финансового контроля» и от 22 августа 2018 года «О мерах по обеспечению открытости бюджетных данных и активного участия граждан в бюджетном процессе», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Исследования, связанные с совершенствованием теоретических и методологических основ учета и отчетности по внебюджетным средствам бюджетных организаций проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности в таких как International Public Sector Accounting Standards Board (IPSASB), International Monetary Fund (IMF), International Federation of Accountants (IFAC), International Auditing and Assurance Standards Board (IAASB), International Accounting Standards Board (IASB), American Institute of Certified Public Accountants (AICPA), Pricewaterhouse Coopers (PwC), University of London (Великобритания), Полоцкий государственный университет (Беларусь), Московский

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 22 августа 2018 года «О мерах по обеспечению открытости бюджетных данных и активного участия граждан в бюджетном процессе» ПП-3917.

³ <https://www.ipsasb.org>; <https://www.imf.org>; <https://www.ifac.org>; <https://www.ifrs.org>; <https://www.iaasb.org>; <https://www.ifrs.org>; <https://www.aicpa.org>; <https://www.pwc.com>; <https://www.soas.ac.uk>; <https://www.psu.by>; <https://www.msu.ru>; <https://www.ranepa.ru>; <https://spbu.ru>; <http://www.tfi.uz>; <http://tsue.uz>; <http://www.sies.uz>.

государственный университет им. М.В.Ломоносова, Академия народного хозяйства и государственного управления при Президенте Российской Федерации, Санкт-Петербургский государственный экономический университет, Южнороссийский государственный университет экономики и сервиса, Финансовый университет при правительстве Российской Федерации (Российская Федерация), Ташкентский финансовый институт, Ташкентский государственный экономический университет, Самаркандский институт экономики и сервиса (Узбекистан).

